



141100, Нурабод шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2-уй,  
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2  
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2017 йил «16» феврал

№ 178-й

**Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Нурабод туман ўқув спорт техника клубига мулк ҳуқуқини ҳамда фойдаланиб турган ер майдонига доимий фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги №1-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 августдаги “2016-2017 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрисида”ги №251-сонли қарорлари, туман ҳокимининг 2007 йил 12 январдаги №14-Қ сонли қарори ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Нурабод туман ўқув спорт клубининг 2017 йил 8 февралдаги №1/27 сонли хатини кўриб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Нурабод туман ҳудудида жойлашган Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Нурабод туман ўқув спорт клубининг умумий майдони 2800 квадрат метр (0.28 га), умумий қурилиш ости майдони 868.78 квадрат метр ва умумий фойдали майдони 702.35 квадрат метр бўлган бинога-иншоотга мулк ҳуқуқи берилсин ва ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

2. Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Нурабод туман ўқув спорт клуби (Х.Қабулов)га:

-атрофидаги ер майдонига ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва пархат кўчатлари экиш;

-ёнғинга қарши, санитария-гигиеник талаб ва меъёрларга риоя қилиш;

-фасад қисмларини замонавий шаҳарсозлик қоида ва меъёрларга асосан таъмирлаш;

-туман “Ермулккадастр” давлат корхонасидан бир ой муддат ичида давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш вазифалари белгилансин.

3. Туман давлат солиқ инспекцияси (В.Файзиев)га мазкур Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Нурабод туман ўқув спорт клуби бино-иншоотларни белгиланган тартибда кадастр хужжатлари асосида солиқ солиш базасига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов